**Маиший (КМЧ) чиқиндиларни махсус полигонга ташиб чиқариш хизматини кўрсатиш тўғрисида**

**ШАРТНОМА № 06**

«05» 01 **2022 йил** **Балиқчи тумани**

Амалдаги Низомига асосланиб фаолият олиб бораётган **Андижон вилоят «Тоза Худуд» ДУК** Балиқчи туман филиали номидан иш юритувчи корхона бошлиғи **Б Расулов** (бундан буён матнда **«Бажарувчи»** деб юритилади) бир томондан, Балиқчи Т.Т.Б. номидан Низом асосида иш юритувчи корхона директори М. Эргашева (бундан буён матнда **«Буюртмачи»** деб номланади) иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидаги мазмунда туздилар.

## 1 ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1 **"Буюртмачи"** нинг буюртмасига кўра, унинг худудидаги чиқиндихонадан каттиқ маиший чиқиндиларни махсус полигонга ташиб чиқариш учун **"Бажарувчига "**га буюртма беради. **"Бажарувчи"** томонидан буюртма асосида қаттиқ, суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш мажбурияти олинади. **"Буюртмачи" билан "Бажарувчи" ўртасида тузилган мазкур шартномага кўра, бажарилиши лозим бўлган ишларни тегишли меъёрий хужжатлар ва нормативлар асосида** кўрсатилган хизмат учун **"Буюртмачи"** хақ тўлаш мажбуриятини олади.

**2.1** ______________________________ сум килиб белгиланади.

## 2. ШАРТНОМА БАХОСИ ВА ЎЗАРО ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

| № | Бажарилган ишлар хақида | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | ҚҚС суммаси | Умумий сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Ахлат ташиш (каттиқ)** | метр куб | 204 | 36600 | 1119960 | 7466400 |
| | **Жами:** | | | | | 7466400 |

Шартноманинг бахоси (шартноманинг ажралмас қисми бўлган "Санитария қоидалари ва меёрлари"га кўра белгиланиб шартнома илова қилинади) **хар бир м3 учун 36600 сўмни** ташкил қилади ва шартноманинг умумий бахоси 7466400 (етти миллион тўрт юз олтмиш олти минг тўрт юз ——) сўмни ташкил этади.

**2.1.** Чиқиндихонадан чиқиндиларни ташиб чиқариш юзасидан кўрсатилган хизматлар хаққи белгиланган тартибда тасдиқланган " Санитария қоидари ва меёрлари"га асосан хисобланади.

**2.2. "Буюртмачи"** шартномадаги умумий сумманинг хар бир ой учун юкорида белгиланган микдорини олдиндан 100 % ни тўловни амалга оширади.

**2.3.** Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатга олингандан сўнг, юридик кучга киради.Шартноманинг ажралмас қисми бўлган тўловлар жадвали асосида пул ўтказиш йўли билан ойма ой тўловларни амалга ошириб боради.

**2.4.** Томонлар мунтазам равишда дебиторлик ва кредиторлик қарзлар юзасидан ўзаро хисоб-китобларни тахлил қилиб, аниқланган қарздорликни ундириш чораларни кўриб боради.

**2.5. "Бажарувчи" "Буюртмачи"** билан келишган холда белгиланган жадвал асосида махсус чиқинди ташиш автомашинаси ўз муддатида юборилишини таъминлайди.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**3.1 "Буюртмачи"** нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1.1 Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш сохасидаги белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига экологик нормативлврга риоя этилишини таъминлайди.

3.1.2 Чиқиндиларни рухсат этилмаган жойларда ёки объектларда сақланиши, қайта ишланиши, утилизация қилиниши ва кўмиб ташланишига йўл қўймаслик чораларини кўради.

3.1.3. Чиқиндилар жойлаштирилган объектларнинг санитария ва экология холати устидан назорат олиб боради.

3.1.4. Ўзи жойлашган худудидаги чиқинди тўкиш учун белгиланган жой ( чиқинди ташлаш шахобчаси) га атрофидаги маиший чиқиндиларни ўзини кучи билан мунтазам равишда ташиб келтиришни таъминлайди.

3.1.5 Чикиндиларни юклаш ва ташиш "Буюртмачи" томонидан амалга оширилса 1 МЗ чикинди учун тариф суммасини 25% микдорида "Бажарувчи"нинг хисоб ракамига утказиб беради.

3.1.6. Қурилиш натижасида ва йирик хажмда йиғилган чиқиндиларни ўз худудидан ташиб кетиш учун алохида хақ эвазига, шартномага Қўшимча келишув киритиб, хисоб китоб ишларини амалга оширади.

3.1.7. Барча турдаги чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилади.Чиқиндиларни ташиш бўйича тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган холларда **"Бажарувчи" га** зудлик билан ёзма хабар беради.

Сканировано с CamScanner

3.1.8. Кўрсатилган хизматлар хамда бажарилган ишлар учун шартномада белгиланган тартибда, муддатда ва миқдорида хизмат кўрсатувчига олдиндан бўнак ( аванс) тўловларини амалга оширади хамда якуний хисоб-китобларни амалга оширади.

**3.2. “Бажарувчи”нинг хуқуқ ва мажбуриятлари.**

3.2.1. “Бажарувчи” маиший чиқиндиларни ўз траспорти ва кучи билан чиқинди ташлаш шахобчаларидан ташиб чиқариш ва махсус чиқиндихоналарга жойлаштиради. Чиқиндиларни ташиш бўйича тасдиқланган йўналиш жадвали ўзгарган холларда **“Буюртмачи” га** 24 соат аввал хабар беради.

3.2.2. Чиқиндиларни ўз вақтида ташиб чиқарилишини таъминлайди.

3.2.3. Кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган тартибда бўнак (аванс) пулларини қабул қилади ва якуний хисоб-китобларни амалга оширади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1 Томонлардан бири шартнома шартлари ва мажбуриятларини ўз муддатида ёки лозим даражада бажармаса, бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарани тўлайди. “Бажарувчи” “Буюртмачи” га шартнома мажбуриятлари бажармаган қисмининг 0.5% миқдорида пеня тўлайди,Тўланадиган пеня миқдори шартнома умумий суммасининг 50% ортмаслиги керак.

4.2 Бажарилган ишлар учун **“Буюртмачи”** томонидан ўз вақтида хзақ тўланмаса хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50% ортмаслиги керак.

## 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

**4.1.** Томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар келишув асосида хал этилади. Агар келишувга эришолмаган тақдирда хуқуқни мухофаза қилиш органлари ёки Иқтисодий суд орқали хал этилади.

## 6.ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

**6.1. “Бажарувчи”** транспорт-техника ва иш кучи харажатларини ЁММ (ёнилғи мойлаш махсулотлари) нархи ўзагариши муносабати билан белгиланган тартибда **“Буюртмачи”** ёзма равишда олдиндан огохлантирилиб,кўрсатилаётган хизматлар қийматини ўзгартиришга хақлидир.

## 7.ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

**7.1.** Хар бир тараф иккинчи тараф олдидан ўзига боғлиқ бўлмаган енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган холда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бўйича жавобгар эмас.

**7.2.** Хукуматнинг ваколатли органлари ёки бошқа тегишли идоранинг берган гувохнамаси ана шундай форс-мажор холатини тасдиқловчи хужжат хисобланади.

## 8.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

**8.1.** Мазкур шартнома 2022-йил 1-январдан 2022-йил 31-декабргача амал қилинади.

**8.2.** Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб тарафлар имзолаганда сўнг ва белгиланган тартибда Ғазначилик тизимидан рўйхатга олингандан кейин кучга киради ва хар-бир томондан бир нусхадан сақланади.

**9.Тарафларнинг юридик манзиллари:**

**«Б а ж а р у в ч и»**

**Балиқчи туман “Тоза худуд”ДУК**
**Манзил: Балиқчи тумани Марказ МФЙ**
**“Агро банк” Балиқчи филиали**

х/р **20210000000781763002**
МФО **00066**
ИНН **304 937 910**
Мурожат учун Тел +998932502005

Рахбар: Б Расулов

**Хуқуқшунос** ________

**«Б у ю р т м а ч и»**

«BALIQCHI TUMANI TIBBIYOT BIRLASHMASI»
ANDIJON VIL., BALIQCHI TUM., CHINOBOD SHAXARCHASI, NAVOIY KO'CHASI, 10 - UY
SH X/R 1000 2286 0032 0670 7310 1054 001
SH X/R
MFO: 00014 STIR: 206945199 XXTUT: 91511
TEL. / FAKS: 0374 322 - 11 - 50

х/р: 23402000300100001010
ИНН: 201122919 МФО: 00014
Банк номи: Марказий банк Тош. ш. ХККМ

Рахбар: М. Эргашева

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**№ LM71173554**

1. Loyihaning turi

**Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**Haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

**Baliqchi tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 14.01.2022.**

**4. Mas'ul ijrochi**

Baliqchi tuman adliya bo'limi huzuridagi davlat organlari va tashkilotlariga yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yilning 14-yanvar kuni "E-Huquqshunos" elektron tizimi orqali Baliqchi tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan Baliqchi tuman tibbiyot birlashmasi bilan tuman "Toza hudud" DUK o'rtasida tuzilgan chiqindi tashish bo'yicha haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi loyihasi ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan. Shartnomani o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi:

"Xizmatk ko'rsatuvchi" "To'za hudud" DUK nomidan ish yurituvchi raxbar E.Malikov va "Buyurtmachi" ikkinchi tomondan Baliqchi tuman tibbiyot birlashmasi nomidan nizom asosida ish yurituvchi rahbari M.Ergasheva tomonidan qattiq chiqindilarni tashish bo'yicha haq evaziga xizmat ko'rsatish haqida ikki tomon kelishgan holda shartnomaga tuzishga kelishilgan.

O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yildagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-son Qonuni 72-moddasi 2-qismida *yagona yetkazib beruvchidan tovar (ish, xizmat) olish zarur bo'lgan taqdirda, yetkazib beruvchi hamda davlat buyurtmachisi o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri shartnoma tuziladi va bu shartnoma to'g'risidagi axborot u tuzilgan paytdan e'tiboran uch ish kuni ichida maxsus axborot portaliga joylashtirilishi lozim* deb belgilangan.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 703-moddasida *haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi bo'yicha ijrochi buyurtmachining topshirig'i bilan ashyoviy shaklda bo'lmagan xizmatni bajarish (muayyan harakatlarni qilish yoki muayyan faoliyatni amalga oshirish), buyurtmachi esa bu xizmat uchun haq to'lash majburiyatini oladi*, deb belgilangan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

**XULOSA QILAMAN:**

Сканировано с CamScanner

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: PB5147263337

Baliqchi tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan Baliqchi tuman tibbiyot birlashmasi bilan tuman "Toza hudud" DUK oʻrtasida tuzilgan chiqindi tashish boʻyicha haq evaziga xizmat koʻrsatish shartnomasi loyihasi Oʻzbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari toʻgʻrisida"gi Qonuni hamda Fuqorolik Kodeksining 26-bob Shartnoma tushunchasi va shartlari talablariga, 38-bob Haq evaziga hizmat ko`rsatish talablariga va ikki tomon roziligiga asoslangan holda kelishilganligi inobatga olinsin.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

**18.01.2022**

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:** **J.Nazarov**

Сканировано с CamScanner

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
**ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ**
170131, Андижон шаҳри, Абдурауф Фитрат номли кўча, 239

**РЕШЕНИЕ ХОКИМА**
АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
170131, г. Андижан, ул. им. Абдурауфа Фитрата, 239.

05.04.2019 й. № 159-қ

**Андижон вилоятида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш тарифларини белгилаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги "Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан takomillashtiriш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5580-сонли, 2017 йил 21 апрелдаги "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-5024-сонли Фармонлари ҳамда 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сонли "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва ПҚ-2916-сонли "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 95-сонли Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 12 декабрдаги 01-02/3-1686-сон ҳамда Андижон вилоят Молия бош бошқармасининг 2018 йил 17 декабрдаги 06-3347-сон хатларини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 12 декабрдаги 01-02/3-1686-сонли ҳамда Андижон вилоят Молия бош бошқармасининг 2018 йил 17 декабрдаги 06-3347-сонли хатлари инобатга олинсин.

2. Қаттиқ маиший чиқиндилар учун:

вилоят бўйича ягона нархлар бир кишига 1 ойга 2500 (икки минг беш юз) сўм, юридик шахсларга белгиланган солиқ ставкаси (20%) қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда 1 м³ учун 36600 (ўттиз олти минг олти юз) сўм.

3. Мазкур қарор билан тасдиқланган қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун вилоят бўйича ягона тариф 2019 йил 15 апрелдан бошлаб амалга киритилсин.

4. Андижон вилоят "Тоза ҳудуд" ДУК (С.Рахмонов), туманлар "Тоза ҳудуд" ДУК филиаллари раҳбарлари юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан маиший чиқиндиларни тўплаш корхоналар;

- ўрнатилган тартибда 2019 йилнинг 15 апрел кунига қадар маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун тасдиқланган янги тарифлар бўйича истеъмолчиларни хабардор қилиш.

"Тоза ҳудуд" ДУК (С.Рахмонов), туманларда белгиланган тарифларга риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш вазифалари топширилсин.

5. Вилоят "Телерадиокомпанияси" (Б.Мирзаахмедов), "Андижоннома" ва "Андижанская правда" газеталари (С.Шукуров), вилоят бўйича қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун тасдиқланган янги ягона тарифлар тўғрисида кенг жамоатчилик орасида тарғибот олиб бориш тавсия этилсин.

6. Ушбу қарор "Андижоннома" ва "Андижанская правда" газеталарида, вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликларининг расмий "ВЕБ-сайти"да эълон қилинсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга кирган деб ҳисобланади.

8. Мазкур қарор қабул қилинишини муносабати билан вилоят ҳокимининг 2018 йил 11 майдаги 321-Қ-сон қарори бекор қилинсин.

9. Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (Б.Эргашхўжаев) вилоят ҳокимининг 2018 йил 11-майдаги 321-қ-сонли қарорига ўз кучини йўқотганлик тўғрисида тегишли белги киритилишини таъминласин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Эгамбердиев ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Холматов зиммаларига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** TO'G'RI **Ш.Абдураҳмонов**

Сканировано с CamScanner